

МУЗАФФАР НАИМОВ

**«МУСИҚА ЭЛЕМЕНТАР НАЗАРИЯСИ» ФАНИДАН  
«ИНТЕРВАЛЛАР» МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚўЛЛАНМА**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУЗАФФАР НАИМОВ

«МУСИҚА ЭЛЕМЕНТАР  
НАЗАРИЯСИ» ФАНИДАН  
«ИНТЕРВАЛЛАР» МАВЗУСИНИ  
ЎҚИТИШ БЎЙИЧА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
ҚЎЛЛАНМА

*(МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ УЧУН)*

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2008

Ушбу услубий қўлланма «Муסיқа назарияси» фанининг «Интерваллар» деб номланган алоҳида бобига бағишланган. Бунда талабаларга ноанъанавий усулда, янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда интерваллар тахтчаси ёрдамида мавзуларни кенг ёритиш, кам вақт сарфлаб, кўп маълумот бериш кўзда тутилади. Мақсад эса талабаларнинг мустақил фикрлаш ва эслаб қолиш қобилиятларини янада ривожлантириб, дарс жараёнида уларнинг фаоллигини оширишдан иборатдир.

Қўлланма олийгоҳ ҳамда коллежларнинг муסיқа таълими йўналишидаги ўқитувчи ва талабаларига мўлжалланган.

**Махсус муҳаррир:**

**Рустамбек АБДУЛЛАЕВ,**

Ўзбекистон санъат арбоби, санъатшунослик  
фанлари доктори, профессор

**Тақризчилар:**

**Шафоат РАҲМАТУЛЛАЕВ,**

Термиз Давлат университети, муסיқа  
таълими кафедраси мудирини, доцент

**Клара МАРДАЕВА,**

Термиз Давлат университети, муסיқа  
таълими кафедраси катта ўқитувчиси

**Халим ШАМСУТДИНОВ,**

Термиз санъат коллежи катта ўқитувчиси,  
вокал-хор назарий фанлар кафедра мудирини

*Ушбу услубий қўлланма Термиз Давлат университети  
илмий кенгаши томонидан (8- баённома, 2008 йил 20 март)  
нашрга тавсия этилган*

ISBN 978-9943-08-252-6

© Наимов Музаффар. «Муסיқа элементар назарияси» фанидан «Интерваллар» мавзусини ўқитиш бўйича ўқув-услубий қўлланма». «Янги аср авлоди», 2008 йил

## КИРИШ

«Таълим тўғрисидаги қонун», «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», Президентимизнинг ўқитувчи ва мураббийларни тақдирлаш бўйича чиқарган фармонлари, 1 октябр кунини «Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами» деб эълон қилганлари, ўтказилаётган анъанавий «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловлари ва қатор бошқа тадбирлар ўқитувчилар зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки ижодкорлик қобилиятига эга бўлмаган, бир жойда «қотиб қолган» ўқитувчидан келажагимиз пойдевори бўлган ёшлар керакли билим олишлари амримаҳол. Шундай экан ҳозирги давр ўқитувчисидан ижодкорлик, қатъиятлилиқ, зукколик, ҳозиржавоблик талаб этилади, ахборот воситалари орқали билимини бойитиб бориш, ўз устида ишлаш, янги педагогик технологиялардан фойдаланиш билан бир қаторда, ўзи ҳам янгилик яратиш каби масъулият зиммасида турганлигини унутмаслиги даркор. Акс ҳолда, тақдир денгиз тўлқинлари қирғоққа чиқариб ташлаган чифаноқларга ўхшаб қолади.

В.А.Вахромеевнинг «Муסיқа элементар назарияси», Сами Азиз ўғли, Нуриддин Азизов, Фаёз Азизовларнинг «Мусиқанинг элементар назарияси», Г.Фридкин «Практическое руководство по музыкальной грамоте», Б.Калмыков, Г.Фридкинларнинг «Сольфеджио» ва бошқа бир қанча муаллифларнинг ушбу фан йўналиши бўйича яратган қўлланма, китобларидан фойдаланган ҳолда бир неча йиллик ижодий ишлар самараси ўлароқ, интерваллар тахтачаси ва услубий қўлланма яратилди. Бизга маълумки, «Муסיқа элементар назарияси» фани муסיқа алифбосидан, яъни товушларнинг физик асоси, нота ёзувидан мураккаблашиб, ижрочилик услубининг айрим белгиларига қадар бўлган мавзуларни кенг ёритиб ўқувчиларга ўргатади.

Услубий қўлланма «Интерваллар» бобини ташкил қилувчи интервалларнинг номлари, сон ва сифат миқдори, оддий интер-

валлар, диатоник интерваллар, орттирилган ва камайтирилган (хроматик) интерваллар, интервалларнинг айланиши, таркибли интерваллар, оҳангдош (консонанс) ва нооҳангдош (диссонанс) интерваллар каби мавзулардан иборат бўлиб, ҳар бир мавзу мисоллар орқали мухтасар тушунтирилиб, кенг ёритиб бериллади. Қўлланмани ўқиган талаба, албатта, интерваллар тахтачасидан фойдаланиш сирларидан ҳам баҳраманд бўлади. Ушбу қўлланма талаба учун мутахассислик, сольфеджио, вокал-хонапдалик, хор, дирижёрлик, гармония ва бошқа шу йўналишдаги махсус фанларни ўзлаштириши учун дастуриламал вазифасини ўтайди.

Илк ёзилган ушбу услубий қўлланма ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.

## «МУСИҚА ЭЛЕМЕНТАР НАЗАРИЯСИ» ФАНИДАН ТУЗИЛГАН УСУЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМАНИНГ АҲАМИЯТИ ВА МАҚСАД-ВАЗИФАЛАРИ

«Мусиқа элементар назарияси» фани мусиқа йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар учун энг муҳим фанлардан ҳисобланади. Чунки у сольфеджио, гармония, мутахассислик, хор, якка хонандалик, қўшимча чолғу каби дарслар бевосита ушбу фан билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўтилади. «Мусиқа назарияси» фанининг асосий мақсади талабаларнинг ушбу фан бўйича олган билимларини юқорида номлари зикр этилган дарсларда амалий тарзда фойдаланиб қўллашдан иборатдир. «Мусиқа назарияси» фанининг таркибий қисмларидан тузилган услубий қўлланма «Интерваллар» мавзусига бағишланган бўлиб, бунда талабаларга ўтиладиган мавзулар янги педагогик технологиялар ва интерваллар тахтчаси ёрдамида назарий ҳамда амалий ўргатилади. Бу қўлланманинг аҳамияти шундан иборатки, бунда тахтачадан фойдаланиш технологияси мухтасар ёритилиб, талабанинг ўзи бевосита қўллаш сирларидан баҳраманд бўлади. Қўлланмада интерваллар мавзуси кенг ёритилиб, сканвордларни тўлдириш, тестлар ва сўз ўйинлари ёрдамида олинган билимлар янада мустаҳкамланади.

Ушбу қўлланманинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

- 1) талабалар билимини ошириш ва мустаҳкамлаш;
- 2) интерваллар тахтчасини тўлиқ ёритиб, ишлатиш технологиясини ўргатиш;
- 3) ўтилган мавзулар бўйича сканвордлар тузиш ва тўлдиришни ўргатиш;
- 4) талабанинг эркин фикрлаш ва ҳозиржавоблик каби кўникмаларини ошириш;
- 5) мусиқий йўналишда билим олаётган талабалар учун зарур бўлган эслаб қолиш хотирасини ривожлантириш;
- 6) талабаларга кам вақт сарф қилиб, кўп билим бериш;
- 7) талабаларнинг ўтилган мавзулар бўйича олган билимларини тезкорлик билан аниқлаш ва баҳолаш.

## 1- МАВЗУ. ИНТЕРВАЛ

Авваламбор, «интервал» сўзига ойдинлик киритсак. «Интервал» лотинча «intervallum» сўзидан олинган бўлиб, «оралиқ», «масофа» каби маъноларни англатади. Интервал сўзи ҳарбийларнинг саф тортиб юришларида, автотранспортларнинг йўлда колонна бўлиб ҳаракати давомида, компьютерда сўзларни ёзиш пайтида ҳам ишлатилади.

Муסיқада эса аниқ баландликка эга бўлган икки товушнинг баландлиги бўйича оралиғига интервал дейилади. Интервалнинг пастки товуши *интервалнинг асоси*, юқори товуши *интервалнинг чўққиси* ҳисобланади. Масалан:


*Чўққиси*




*Асоси*

Интерваллар икки хил бўлади: гармоник ҳамда мелодик интерваллар. Бир вақтда эшитиладиган икки товуш оралиғи *гармоник интервал* дейилади. Масалан:

Мисолдаги ноталар пастки асосий товушдан юқорига қараб



ўқилади (до-соль). Бирин-кетин эшитиладиган икки товуш оралиғи *мелодик интервал* дейилади. Масалан:



Асосий интерваллар саккизта бўлиб, ҳар қайсиси махсус тартиб рақамига эга бўлиб, булар қуйидагилардир:

- 1 – Прима    5 – Квинта  
 2 – Секунда    6 – Секста  
 3 – Терция    7 – Септима  
 4 – Кварта    8 – Октава

Асосий интерваллар тахтачада алоҳида рангда ёзилган бўлиб, аниқ ажралиб кўриниб туради (1-расм).

Бу талабаларни ўтилаётган мавзунини ўзлаштиришлари ва хотирада сақлаб қолишларига ёрдам беради. Мавзунини нота мисоллари ёрдамида мустаҳкамлаб олиш зарур. Масалан, до нотасидан юқорига қараб мелодик интервал тузиб ёздириниш керак.



Прима Секунда Терция Кварта Квинта Секста Септима Октава

Энди гармоник интерваллар тузишни кенгайтирилган нота мисолларида пастдан юқорига ёзиб кўрсатиш керак. Масалан, до нотасидан пастдан юқорига:



Прима Секунда Терция Кварта Квинта Секста Септима Октава

Икки ҳолатда ҳам талабалар мавзу бўйича олган назарий билимларини амалда мустаҳкамлаб олишларига имкон яратилади. Ўтилган мавзу бўйича сканворд усулида фойдаланиб, саволларга мустақил жавоб ёзишлари ҳам талабаларга мавзунини янада мустаҳкамлаб олишларига ёрдам беради.

#### Саволлар

1. Еттинчи интервал номи.
2. Бир вақтда эшитиладиган икки товуш оралиғидаги интервал номи.
3. Саккизинчи интервал номи.
4. Иккинчи интервал номи.
5. Биринчи интервал номи.
6. Бешинчи интервал номи.

7. Тўртинчи интервал номи.
8. Интервал маъносини билдирувчи сўз.
9. Бирин-кетин эшитиладиган икки товуш оралиғидаги интервал номи.
10. Олтинчи интервал номи.
11. Учинчи интервал номи.

Саволларнинг тўғри жавоби сканвордлар жадвалидаги бўш каттакчаларга ҳарфлар тўғри жойлаштирилгандагина аниқ бўлади. Бу ҳам талаба билими, фикрлаш қобилиятини янада ривожлантиради.

1-жадвал

а) сканворд

1					И				
2					Н				
		3			Т				
			4		Е				
			5		Р				
			6		В				
			7		А				
		8			Л				
			9		Л				
10					А				
			11		Р				

б) тўлдирилган варианты.

1	С	Е	П	Т	И	М	А		
2	Г	А	Р	М	О	П	И	Ж	
		3	О	К	Т	А	В	А	
			4	С	Е	К	У	П	Д
			5	П	Р	И	М	А	
			6	К	В	И	П	Т	А
		7	К	В	А	Р	Т	А	
		8	О	Р	А	Л	И	Қ	
			9	М	Е	Л	О	Д	И
10	С	Е	К	С	Т	А			
			11	Т	Е	Р	Ц	И	Я

Талаба келгусида ўқитувчилик фаолиятини, албатта, мактабдан бошлайди. Шунинг учун бу мавзу бўйича мактаб программасидан ўрин олган Д. Омонуллаев шеъри ва мусиқаси билан ижро этиладиган «Интерваллар қўшиғи»ни мисол келтиришимиз мумкин.

Қўшиқ ижроси давомида талаба интерваллар тушунчасини тушунибгина қолмасдан, уни эшитади ҳамда ижро этади. Қўшиқ матнида интерваллар номларининг ўрин олганлиги талаба учун ниҳоятда тушунарли бўлади.

Қуйидаги нотани мисол тариқасида келтирамыз.

Урғил

Бу при-ва, се-вун-да, бу тер-ци-я,  
 квар-та, бу квин-та, секс-та,  
 се-вун-да, ок-та-ва, ин-тер-ва-лар-  
 ни кар-чок, а-ниқ куй-ланг, бо-ла-лар!  
 Янг-ли-янт-санг, иш-ча-тск куй-ла а-ниқ  
 ва янт-рок, қа-ни, ке-ант  
 бар-ча-ни жўбу-ли-шиб куй-лай-лиш.  
 Бош-лаб ю-ко-ри „До“ дан та-янч „А“ га  
 қай-тай-лик, бу при-на се-  
 кун-да, бу тер-ци-я, квар-та, бу квин-та,  
 секс-та, се-вун-на, ок-та-ва.

## 2- МАВЗУ. ИНТЕРВАЛЛАРНИНГ СОН ВА СИФАТ МИҚДОРИ. ОДДИЙ ИНТЕРВАЛЛАР. ДИАТОНИК ИНТЕРВАЛЛАР

Асосий интерваллар бир-биридан сон ва сифат миқдори билан фарқ қилади. Миқдори босқичлар сони билан ифодаланадиган интерваллар сифат миқдорли *интерваллар* дейилади. Интервалларнинг сифат миқдорини белгилаш учун кичик, катта, соф, орттирилган, камайтирилган деган сўзлар ишлатилади. Интерваллар юқоридаги фарқланиш билан ўз навбатида ўн саккиз турга бўлинади. Булар қуйидагилардир:

- I.1. Соф прима
- II.2. Катта секунда
3. Кичик секунда
4. Орттирилган секунда
- III. 5. Катта терция
6. Кичик терция
- IV.7. Соф кварта
8. Орттирилган кварта
9. Кичрайтирилган кварта
- V.10. Соф квинта
11. Кичрайтирилган квинта
12. Орттирилган квинта
- VI.13. Катта секста
14. Кичик секста
- VII.15. Катта септима
16. Кичик септима
17. Кичрайтирилган септима
- VIII. 18. Соф октава

Интервалларнинг бу турлари алоҳида кўриниб туриши учун тахтачада бошқа рангда аниқ кўрсатилган. Бу ўқитувчи учун мавзунини тушунтиришга, талаба учун эса тушунишга қулайдир (2-расм).

Интерваллар номлари	Қисқартириб ёзилиши	Неча тонга тенглиги
Соф прима	соф 1	0
Катта секунда	катта 2	1
Кичик секунда	кичик 2	$0\frac{1}{2}$
Орттирилган секунда	орт. 2	$1\frac{1}{2}$
Катта терция	катта 3	2
Кичик терция	кич. 3	$1\frac{1}{2}$
Соф кварта	соф 4	$2\frac{1}{2}$
Орттирилган кварта	орт. 4	3
Кичрайтирилган кварта	кичр.4	2
Соф квинта	соф 5	$3\frac{1}{2}$
Кичрайтирилган квинта	кичр. 5	3
Орттирилган квинта	орт. 5	4
Катта секста	кат. 6	$4\frac{1}{2}$
Кичик секста	кич. 6	4
Катта септима	кат. 7	$5\frac{1}{2}$
Кичик септима	кич. 7	5
Кичрайтирилган септима	кичр. 7	$4\frac{1}{2}$
Соф октава	соф. 8	6

Юқоридаги интервалларнинг номлари қисқартирилиб ёзилади ва ҳар бири маълум тон миқдорига эга эканлиги қуйидаги жадвалда аниқ кўрсатилган.

Ўтилган мавзунини янада мустаҳкамлаш учун Абдулла Орипов шеъри, Мутал Бурҳонов мусиқаси билан ёзилган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини мисол тариқасида келтиришимиз ўринли деб ҳисоблайман. Чунки мустақил Ўзбекистонимизни мадҳ этувчи бу қўшиқнинг ҳар бир такти қандай интерваллардан ташкил топганлигини мусиқий таълим йўналишидаги ҳар бир талаба билиши шарт. Қўшиқнинг бошланиш қисми-

даги тактларда «Серқуёш...» сўзи кварта интервали билан бошланиши, шу тариқа қўшиқнинг ҳар бир такти интерваллар билан боғлиқ ҳолда тушунтирилади. Қўшиқ тактларидаги интерваллар бизларга маълум бўлган ўзининг тартиб рақами билан белгиланиб чиқилади. Масалан,

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

А. Орипов сўзи

М. Бурҳонов музикаси

Сер-қу - ёш, ҳур ул - кам, эл - га бахт, на - жот, сен ў -  
 знинг дўст-лар - га йўл-дош меҳ - ри - бон! Меҳ - ри - бон! Яш - на -  
 гай то а - бад ил - му фан, и - жод Шухратнинг пор - ла - син то - ки бор жа - ҳон!  
 Ол - тин бу во - дий - лар жон ўз - бе - кирс - тои! Аж - лод - лар мар - до -  
 на ру - ҳи сен - га ёр! У - лут халқ қўл - ри - ти жўш ур - ган за - мон, о - лам -  
 ни маҳ - ли - ё ий - ло - ган ди - ёр! Бағ - ри  
 ган ди - ёр!

Серқуёш, ҳур уякам, элга бахт, нажот,  
 Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!  
 Яшнагай то абад илму фан, ижод,  
 Шухратнинг порласин токи бор жаҳон!

Нақарот:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон!  
 Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!

Улут халқ қўдрати жўш урган замон,  
 Оламини маҳдиё айлаган диёр!

Бағри кенг Ўзбекнинг ўчмас иймони,  
 Эркин, ёш аилолар сенга зўр қилот!  
 Истиқдол машъали, тинчлик посбони,  
 Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Нақарот

Интервалларнинг бу турларини нота мисолида ҳам ёзиб тушунтирамиз.

«До» нотасидан тузилганда қуйидагича бўлади:

соф 1 кат. 2 кич. 2 орт. 2 кат. 3 кич. 3 соф 4 орт. 4 кичр. 4 соф 5

кам. 5 орт. 5 кат. 6 кич. 6 кат. 7 кич. 7 кичр. 7 соф 8

Жадвалдаги интервалларнинг бу турлари алоҳида кўриниб туриши учун интерваллар тахтчасининг иккинчи қаватида бошқа рангда ёзиб жойлаштирилган. Интервалларнинг қисқартирилиб ёзилганлиги, неча тонга тенглиги ва нота мисоллари интерваллар тахтчасига кўрк бериб турганлиги яққол кўзга ташланади. Тахтчаннинг ўртасида эса соат кўрсаткичи жойлаштирилган бўлиб, бу электр қуввати ёрдамида ҳаракатга келади (3-расм).

Энди биз иккала ўтилган мавзуларни талабалар хотирасида янада кўпроқ сақланиб қолиши учун интерваллар тахтчасидан амалий фойдаланамиз. Бу тахтчаннинг афзаллиги шундан иборатки, интервалларнинг номлари, турлари, сон ва сифат миқдори, маълум ноталардан мисоллар тузилганлиги тартиб асосида, айлана шаклида алоҳида рангларда бўйлиб жойлаштирилганлигидадир. Мазкур тахтчани ишлатиш тартиб қондаси ўқитувчи томонидан тўлиқ тушунтирилиб кўрсатилади. Шундан сўнг бир талабани ўқитувчи тахтча ёнига таклиф қилади ва интерваллар тахтчасини ишлатишни биргаликда амалий бажаришадди. Бунни кўриб ўтирган аудиториядаги бошқа талабалар зукколик билан ишлатиш технологиясини ўрганиб олишади. Тахтчани ишлатиш қуйидагича кечади: талаба тахтча ёнига келади ва унга ўрнатилган махсус тугмачани босганда электр қуввати ёрдамида соат кўрсаткичи ҳаракатга келади ва маълум жойга келиб тўхтади. Соат кўрсаткичи қайсидир интервал номини аниқ кўрсатади (4-расм).

Лекин кўрсатилган интервалнинг сон миқдори қанчага тенглигини аниқ айтиш учун талабадан билим, маҳорат, фикрлаш талаб этилади. Маълум вақт ўтиб, талаба айтган жавоб тўғри ёки нотўғрилигини тахтачанинг иккинчи қаватида жойлаштирилган жавоблардан талабанинг ўзи аниқлаш имконияти бўлади. (4-расм)

Кейинги талаба тахтача ёнига таклиф қилиниб, шу жараён такрорланади, соат кўрсаткичи қайсидир интервал номини аниқ кўрсатади. Лекин бу талабадан интервалнинг сон миқдори эмас, балки «до» нотасидан шу интервал тузилганда қайси нотага тўғри келиши сўралади. Бу ҳолатда ҳам талаба олган билими бўйича фикрлаб, қайсидир нота номини айтади. Жавоб тўғри ёки нотўғрилигини тахтачанинг иккинчи қаватида жойлаштирилган жавоблардан талабанинг ўзи аниқлаш имконияти бўлади (4-расм).

Кейинги талаба тахтача ёнига таклиф қилиниб шу жараён тескарисига бажарилади, яъни тахтачанинг иккинчи қавати очиқ ҳолда туради. Талаба махсус тугмачани босганда соат кўрсаткичи қайсидир интервалнинг сон миқдорини неча тонга тенглигини ва «до» нотасидан тузилган нота мисоли ҳам аниқ кўриниб туради. Талабадан ушбу тонга тенг интервал номи сўралади. Талаба фикрлаб қайсидир интервал номини айтади. Жавоб тўғри ёки нотўғрилигини тахтачанинг биринчи қаватида ёзилган жавоблардан талабанинг ўзи аниқлаш имконияти бўлади (2-расм).

Талабалар билимини аниқлашдаги юқоридаги синовлар талабанинг пухта билим олишида топқирлик, ҳозиржавоблик, масъулият, фикрлаш ва эслаб қолиш каби кўникмаларини янада мустаҳкамлайди.

Интерваллар тахтачасининг афзалликларидан яна бири шундан иборатки, машғулот давомида талабалар фақат тингловчи эмас, балки фаол иштирокчига айланади. Бу талабаларнинг юқорида зикр этилган кўникмаларини ривожлантириб мустаҳкамлаш баробарида, уларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш, баҳолаш, олган билимларига ишонч ва мустақил ишларига амалий кўмак вазифасини ўтайди.

Ўқитувчи учун ўтилган мавзуларни мустаҳкамлашда тест саволларидан фойдаланиш ҳам яхши натижа бермоқда. Чунки тест саволлари берилганда, албатта, жавоб вариантлари ҳам бе-

# INTERVALLARNING NOMLARI, TURLARI VA SON MIQDORI.



1-расм



2-рasm

# INTERVALLARNING NOMLARI, TURLARI VA SON MIQDORI .



3-пачм



4-расм

рилади. Шу вариантлардан аниқ, тўғри жавобни танлаш учун талаба қизиқиш, иштиёқ билан фикрлайди. Бу эса талабанинг дарс давомида фаоллигини ошириб, мустақил ишлашида ва топқирлик, эслаб қолиш каби кўникмаларини ривожланишида ёрдам беради. Масалан:

#### 1-тест

«Интервал» сўзининг маъноси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) Оралиқ
- В) Масофа
- С) Бирин-кетин ижро этилган икки товуш оралиғи
- Д) Бир вақтда ижро этилган икки товуш оралиғи
- Е) Ҳамма жавоб тўғри

#### 2-тест

Оддий интерваллар тартибини аниқланг:

- А) Прима, октава, терция, кварта, квинта, секста, септима, октава
- В) Терция, кварта, квинта, секста, октава, секунда, септима, прима
- С) Октава, терция, кварта, квинта, секунда, секста, септима, прима
- Д) Прима, секунда, терция, кварта, квинта, секста, септима, октава
- Е) Секунда, терция, прима, кварта, квинта, септима, секста, октава

#### 3-тест

Қайси интервалда бир хилдаги товушлар унисон бўлиб эшитилади?

- А) Секунда
- В) Терция
- С) Прима
- Д) Кварта
- Е) Квинта

#### 4-тест

Таркиб бўйича охириги интервал номини аниқланг.

- А) Терция
- В) Секста
- С) Квинта
- Д) Септима
- Е) Октава

#### 5-тест

Октава оралиғида жами нечта интервал бор?

- А) 6 та
- Д) 4 та

- В) 7 та  
С) 5 та

Е) 8 та

**6-тест**

Товушлар оралиғи ярим тонга тенг бўлган жавобни аниқланг?


- А) До-ре, сол-ля      Д) Ми-фа, си-до  
В) Фа-соль, ля-си      Е) Соль-ля, ре-ми  
С) Ре-ми, фа-ля

**3-МАВЗУ. ОРТТИРИЛГАН ВА КАМАЙТИРИЛГАН  
(ХРОМАТИК) ИНТЕРВАЛЛАР.  
ИНТЕРВАЛЛАРНИНГ ЭНГАРМОНИК ТЕНГЛИГИ**

Диатоник ладдаги бир босқичдаги товушларнинг альтерация белгилари ёрдамида ярим тондан юқорига ёки пастга ўзгариши натижасида хроматик интерваллар ҳосил бўлади. Улар диатоник интервалларга энгармоник равишда тенг. Масалан: фа-соль-диез орттирилган секунда бўлиб, бу энгармоник равишда кичик терция фа-ля бемольга тенг.

1½ тон

1½ тон



Орт.2

Кич.3

Соф ва катта интерваллардан орттирилган интерваллар тузилади, соф ва кичик интерваллардан камайтирилган интерваллар тузилади. Соф прима бундан мустасно, чунки уни камайтириб бўлмайди:

0 т



Соф 1

Поғоналар сонини ўзгартирмай туриб юқоридаги босқич (чўққиси)нинг ярим тон кўтарилиши ёки пастки босқич (асос)нинг

ярим тон пасайтирилиши натижасида орттирилган интерваллар ҳосил бўлади. Орттирилган интерваллар қисқартирилиб *орт.* деб ёзилади. Октава оралиғидаги орттирилган интерваллар:

0 т	S т	1 т	1 S т	2 т	2 S т
Соф 1 Орт. 1		Кат. 2 Орт. 2		Кат. 3 Орт. 3	
2 St	3 т	3 S т	4 т	4 S т	5 т
Соф 4 Орт. 4		Соф 5 Орт. 5		Кат. 6 Орт. 6	
5 S т	6 т	6 т	6 S т		
Кат. 7	Орт. 7	Соф 8	Орт. 8		

Пастки босқич (асос)нинг пасайтирилиши натижасида ҳосил бўлган орттирилган интерваллар:

Орт.1    Орт.2    Орт.3    Орт.5    Орт.6    Орт.7    Орт.8

Уч тондан иборат орттирилган кварта ва камайтирилган квинта интервалларининг оралиқлари энгармоник тенглиги сабабли хроматик интерваллар қаторига қўшиб бўлмайди. Масалан, ре-соль-диез (орттирилган кварта), ре-ля-бемоль (камайтирилган квинта)га тенг.

3 т      3 т

Орт.4 = Кат.5

Орттирилган кварта уч тонга тенг бўлиб, бирин-кетин келган тўрт поғона оралиғидаги интервалдир. Агар 4 поғона оралиғи икки ярим тонга тенг бўлса – соф кварта бўлади. Одатда орттирилган кварта сўзи қисқартирилиб, *орт. 4* тартибида ёзилади.

Орттирилган интервалларнинг куйлаш жараёнида икки томонга кенгайишига мойиллиги сезилади. Масалан:

Соф ва катта интервалларни (поғоналар сонини ўзгартирмай




туриб) бир бутун тон оширилса, икки бор орттирилган интерваллар ҳосил бўлади. Масалан, катта терция (2 тон)га яна бир тон қўшилса, 3 тон бўлиб, икки бор орттирилган терция ҳосил бўлади:

2 т                      3 т  
Кат.3                  Ик. Орт. 3



Поғоналар сонини ўзгартирмай туриб, юқори босқич (чўққиси)нинг ярим тон пасайтирилиши ёки пастки босқич (асоси)нинг ярим тон кўтарилиши натижасида кичик ва соф интерваллардан камайтирилган интерваллар ҳосил бўлади. Масалан, кичик терция 1 × тон, агар бу терциядан ярим тон олиб ташланса, камайтирилган терция бўлиб, бир тонга тенг бўлади:

1 S тон | тон



Кич. 3                  Кичр.3


Соф квинта уч ярим тон, агар бу квинтадан ярим тон олиб ташланса уч тон бўлиб, камайтирилган квинта бўлади:

3 S тон




Соф 5

3 тон




Кам.5

Камайтирилган интервалларни қисқартириб, кам. деб ёзилади. Юқори босқич (чўққиси)нинг пасайтирилиши билан ҳосил бўлган камайтирилган интерваллар:




Кам. 2 Кам. 3 Кам. 4 Кам. 6 Кам. 7 Кам. 8

Пастки босқич (асоси)нинг кўтарилишидан ҳосил бўлган камайтирилган интерваллар:




Камайтирилган интерваллар куйлаш жараёнида икки томонлама тораишга мойиллиги сезилади. Масалан,




Октава ораллиғидаги камайтирилган соф ва кичик интервалларни (поғоналар сонини ўзгартирмай туриб), бир бутун тон камайтирилса – икки бор камайтирилган интервал бўлади. Масалан, агар соф квинтани (3 × тон) бир бутун тон камайтирилса, икки марта камайтирилган квинта бўлиб, 2 × тонга тенг бўлади.

3 S тон



Соф 5


2 S тон




Кам. 5

Миқдори турлича (тон ҳисобида) ва эшитишни бир хил бўлган интерваллар *энгармоник тенг интерваллар* дейилади. Масалан, кичик терция ва орттирилган секунда, орттирилган кварта, камайтирилган квинта, орттирилган секста – кичик септима ва б.

Энгармоник тенг интерваллар орасида сон миқдори бир хил бўлган интерваллар ҳам учрайди. Бундай ҳолларда таққосланган интерваллардан бирортасининг иккала товуш энгармоник товушлар билан алмаштирилади.



Кат. 2 = Кат. 2



Соф 4 = Соф 4

#### 4-МАВЗУ. ИНТЕРВАЛЛАРНИНГ АЙЛАНИШИ

Интервалдаги товушларнинг бирини кўтариш ёки тушириш жараёнини октава орқали амалга ошириши натижасида юқоридagi товуш пастга, пастки товуш юқорига кўтарилади.


Интервал товушларининг бундай кўчиш ҳолатига *интервал айланиши* дейилади. Интервалларнинг айланиш жараёнида катта интервал – кичик, кичик интервал – каттага, орттирилган интервал – кичрайтирилган, кичрайтирилган эса орттирилган интервалга айланади. Соф интерваллар бундан мустасно бўлиб, софлигича қолади. Интервалларнинг айланиши икки хил йўл билан амалга оширилади.


1. Октава юқорига интервал асосий товушини кўтариш.

2. Октава пастга юқори товушни тушириш.

Интервалларнинг бундай айланиши жараёнида янги интерваллар ҳосил бўлади.

Асосий ва айланган интервалларни кўрсатувчи рақам ҳар доим тўққизга тенг бўлади. Масалан, прима (1)нинг айланиши октава (8) беради, секунда (2)нинг айланиши – септима (7), терция (3) – секста (6) – терция (3), септима (7) – секунда (2), октава (8) – прима (1)лар беради.






## 5-МАВЗУ. ТАРКИБЛИ ИНТЕРВАЛЛАР

Интерваллар оралиғи бир октавадан кенг бўлган интерваллар *таркибли интерваллар* дейилади. Оддий интервалларни октавага қўшиш йўли билан таркибли интерваллар ҳосил бўлади. Таркибли интерваллар таркибига кирадиган ҳар бир интервал мустақил номланади.

**Ноиа** (лот. *nona* – *тўққизинчи*) – тўққиз поғона кенглигида бўлган интервал, бу 9 рақами билан кўрсатилади. Октавага секунда қўшилишидан ҳосил бўлади, шунга кўра, октава орқали келган секунда маъносиде тушуниш мумкин.



$$8 + 2 = 9$$

**Децима** (лот. *decima* – *ўнинчи*) – ўн поғона кенглигидаги интервал бўлиб, 10 рақами билан кўрсатилади. Децима октавага терция қўшилганидан ҳосил бўлгани учун октава орқали терция деб ҳам юритилади.



$$8 + 3 = 10$$

**Ундецима** (лот. *undecima* – *ўн биринчи*) – ўн бир поғона кенглигидаги интервал бўлиб, октавага кварта интервали қўшилишидан ҳосил бўлади ва 11 рақами билан кўрсатилади.



$$8 + 4 = 11$$

**Дуодецима** (лот. *duodecima* – *ўн иккинчи*) – ҳажми ўн икки поғонани ўз ичига олган интервал бўлади. Шунинг учун ҳам ду-

одецима 12 рақами билан кўрсатилади. Дуодецима октавага квинта интервали қўшилишидан ҳосил бўлади.




$$8 + 5 = 12$$

**Терцецима** (лат. *tertia decima* – ўн учинчи) – октавага секста интервали қўшилишидан тузилган интервал бўлиб, 13 рақами билан кўрсатилади.



$$8 + 6 = 13$$

**Квартдецима** (лат. *quarta decima* – ўн тўртинчи) – ҳажми ўн тўрт поғонадан тузилган интервал бўлиб, 14 рақами билан кўрсатилади. Квартдецима октава интервалига септима интервалининг қўшилишидан ҳосил бўлади.



$$8 + 7 = 14$$

**Квинтдецима** (лат. *quinta decima* – ўн бешинчи) – ўн беш поғона кенглидаги интервал бўлиб, 15 рақами билан кўрсатилади. Квинтдецима икки октаванинг қўшилишидан ҳосил бўлади ва соф ҳолида 12 тонга тенг бўлади.



$$8 + 8 = 15$$

Таркибли интерваллар мавзусини янада мустаҳкамлаш учун сўз ўйинларидан фойдаланган ҳолда, жадвалдаги бўш каттакчалар ҳарфлар билан тўғри тўлғизилса, таркибли интервалларнинг номлари яширинганини тонамиз. Бу жараён талабалар билан савол-жавоб тариқасида, мулоқот орқали амалга оширилади.

н	м	а	д	в	т	к	а	р	е	ц
					н	д	м	е	а	ц
							о	п	а	н
а	д	к	н	ц	в	т	м	п	е	н
	р	е	м	а	н	д	е	ц	т	ц
		е	д	у	н	н	а	ц	м	
	о	е	ц	а	м	д	н	у	д	


Талабалар билимини ошириш, уларни қизиқтириш учун ўтилган мавзунини тестлар ёрдамида мустақамлаймиз.

### 1-тест

Таркибли интерваллар тартибини аниқланг:

- А) Квартдецима, нона, квинтдецима, терцдецима, ундецима, дуодецима  
 В) Децима, нона, квинтдецима, терцдецима, квартдецима, дуодецима, ундецима  
 С) Терцдецима, децима, квинтдецима, квартдецима, ундецима, дуодецима, нона  
 Д) Нона, децима, ундецима, дуодецима, терцдецима, квартдецима, квинтдецима  
 Е) Ундецима, дуодецима, нона, терцдецима, квинтдецима, квартдецима, децима

### 2-тест

Интерваллар оралиғи бир октавадан кенг бўлган интерваллар қандай номланади?

- А) Орттирилган интерваллар  
 В) Камайтирилган интерваллар  
 С) Хроматиклаштирилган интерваллар  
 Д) Оддий интерваллар  
 Е) Таркибли интерваллар

### 3-тест

Таркибли интервалларда 13 рақами билан кўрсатиладиган интервал номини аниқланг.

- А) Нона  
 В) Терцдецима  
 С) Квартдецима  
 Д) Ундецима  
 Е) Квинтдецима

#### 4-тест

Таркибли интерваллардан 7 тонга тенг бўлган интервал номини аниқланг?

- А) Теридецима
- В) Нона
- С) Ундецима
- Д) Квинтдецима
- Е) Дуодецима

#### 5-тест

Октава интервалига октава интервалининг қўшилишидан ҳосил бўлган интервал номини аниқланг.

- А) Нона
- В) Ундецима
- С) Квинтдецима
- Д) Теридецима
- Е) Дуодецима

### 6-МАВЗУ. ОҲАНГДОШ(КОНСОНАНС) ВА НООҲАНГДОШ(ДИССОНАНС) ИНТЕРВАЛЛАР

Муסיқа амалиётида интерваллар ижро ва эшитилишига кўра иккига бўлинади: оҳангдош ва нооҳангдош интервалларга. Бир йўла эшитилган икки товушнинг бир-бири билан уйғунлашиб, мулойим, юмшоқ, ёқимли эшитилиши *оҳангдош (консонанс) интерваллар* дейилади. Консонанс (лот. *consonans* – келишилган товушлар) маъносини англатади.

Оҳангдош интервалларга қуйидагилар киради:




Соф 1    Соф 8    Соф 4    Соф 5    Кич. 3    Кат. 3    Кат. 6

Икки товушнинг бир-бири билан уйғунлашмай, қовушмай, кескин, оғир эшитилишига *нооҳангдош (диссонанс) интерваллар* дейилади.

Диссонанс (фран. *dissonanse*, лот. *dissono* – созланмаган товушлар) маъносини англатади.

Диссонанс товушлар ўткирлик, кескинлик, қайғу, азоб-уқубат каби ҳис-ҳаяжонли ҳолатларни мусиқа орқали тингловчи қалбига етказишга ёрдам беради.

Нооҳангдош интервалларга қуйидагилар киради:



Кич.2   Кат.2   Орт.4   Кам.5   Кич.7   Кат.7

## Фойдаланилган адабиётлар

1. «Таълим тўғрисида»ги қонун.
2. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», 1997 йил.
3. Акбаров И.А. «Муסיқа луғати». –Тошкент: Ф.Фулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1987 й.
4. Романовский Н.В. «Хоровой словарь». –Ленинград: Издательство «Музыка», 1980 г.
5. Рўзиев Ш. «Хоршунослик». –Тошкент: Ф.Фулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1987 й.
6. М.Маматова. «Ноанъанавий дарс». «Касб-ҳунар» журнали, 2002 й.
7. Н.Сандаҳмедов. «Педагогик технология – яқуний натижа кафолати». «Касб-ҳунар» журнали, 2003 й.
8. О.Бердиева. «Таълим жараёнида янги педагогик технологиялар». «Халқ таълими» журнали, 2003 йил, 1-сон
9. Х.Ҳайдарова. «Ўқувчига қўйиладиган талаблар», «Халқ таълими» журнали, 2003 йил, 4-сон
10. Б.Форберман, Р.Мусина, Ф.Жумабаева. «Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари», –Тошкент: 2002 й.
11. Г.Фридкин. «Практическое руководство по музыкальной грамоте». –Москва: Издательство «Музыка», 1980 г.
12. Б.В.Калмыков, Г.А.Фридкин. «Сольфеджио», –Москва: Издательство «Музыка», 1987 г.
13. Р.Арчажникова. «Профессия – учитель музыки», –Москва: Издательство «Просвещение», 1984 г.
14. Сами Азиз ўғли, Нуриддин Азизов, Фаёз Азизов. «Муסיқа элементар назарияси», –Қарши: «Насаф» нашриёти, 2005 й.
15. А.А.Каримов, Э.З.Имомов, Қ.И.Рўзиев, О.С.Бўтаёров. «Узлуксия таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси», –Тошкент: «Шарқ» нашриёти – матбаа акциядорлик компанияси, 2002 й.
16. Д.Ражабова. «Фортепиано машғулоти», –Тошкент: «Ўқитувчи» нашриёти, 1994 й.
17. Е.Давыдова. «Сольфеджио», –Москва: Издательство «Музыка», 1981 г.
18. Т.Крунтяева, Н.Молокова, А.Ступель. «Словарь иностранных музыкальных терминов», –Ленинград: Издательство «Музыка», 1985 г.
19. Н.Солиев, А.Умаров. «Муסיқа саводи алифбоси»ни ўқитиш бўйича ўқув-услугий қўлланма, –Тошкент: Ф.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2003 й.
20. В.А.Вахромеев. «Музиканинг элементлар назарияси», –Тошкент: «Ўқитувчи» нашриёти, 1965 й.

21. Х.Абдурахмонов, Н.Маҳмудов, Р.Шукуров. «Маданий оқартув ходимлари учун қисқа изоҳли луғат», –Тошкент: «Ўқитувчи» нашриёти, 1983 й.

22. Н.Р.Файбуллаев, Р.Ёдгоров, Р.Маматқулова. «Педагогика», –Тошкент: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, 2005 й.

23. Р.Турсунов. «Ашула ва рақс ансамбли билан ишлаш услубиёти», –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 2002 й.

---

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	3
«Муסיқа элементар назарияси» фанидан тузилган услубий қўлланманинг аҳамияти ва мақсад-вазифалари .....	5
1- мавзу. Интервал .....	6
2- мавзу. Интервалларнинг сон ва сифат миқдори. Оддий интерваллар. Диатоник интерваллар .....	10
3-мавзу. Орттирилган ва камайтирилган (хроматик) интерваллар. Интервалларнинг энгармоник тенглиги .....	16
4-мавзу. Интервалларнинг айланishi .....	20
5-мавзу. Таркибли интерваллар .....	21
6-мавзу. Оҳангдош(консонанс) ва нооҳангдош(диссонанс) интерваллар .....	24
Фойдаланилган адабиётлар .....	26

*Адабий-бадший нашр*

**МУЗАФФАР НАИМОВ**

**«МУСИҚА ЭЛЕМЕНТАР НАЗАРИЯСИ» ФАНИДАН  
«ИНТЕРВАЛЛАР» МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШ БЎЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Муҳаррир  
Илҳом ҚОСИМОВ

Техник муҳаррир  
Елена ДЕМЧЕНКО

Мусаҳҳиҳ  
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Компьютерда саҳифаловчи  
Феруза БОТИРОВА


Босишга рухсат этилди 10.10.2008. Бичими 84x108 1/32  
Босма тобоғи 0,875+ вкл.0,125 Шартли босма тобоғи 1,47+вкл. 0,21  
Адади 200. Буюртма 55.  
Баҳоси келишилган нархда

«El-Press» МЧЖда босилди.  
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:  
Нашр бўлими 278-36-89;  
Маркетинг бўлими 128-78-43.  
Факс 273-00-14, e-mail: yangiasravlodi@mail.ru



ISBN 978-9943-08-252-8



9 789943 082528